Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 8-aprel, seshanba № 44 (3393)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2014 йил 10 апрел куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 9 апрел куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.



ЎзА сурати

Халқимиз даҳосининг тимсоли

Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Ислом КАРИМОВ

Биз ким, Мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз.

Амир ТЕМУР

* * *

Темур баланд бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли ва салобатли, оқ-қизил юзли, кенг елкали, қадди-қомати келишган, серсоқол, ўнг қўли билан ўнг оёғи заҳмдор, икки кўзи бамисоли икки шамдай порлаб турадиган, йўғон овозли, улуғлиги ўзига ярашган, қатъий азму қарор билан сўзлайдиган, ҳақгўй киши эди. У зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган, идрокли, синчков, ҳар қандай ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз бериши мумкин бўлган ҳамма ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди.

Ибн АРАБШОҲ

* * *

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим.

***

Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир.

***

Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим, уларнинг ҳимматларидан улуш тилаб, муборак нафаслари билан дуофотиҳа беришларини илтимос қилдим. Дарвиш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим.

***

Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки десам, унга ўзим амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомалада бўлмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим...

***

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим...

«Темур тузуклари»дан.

«Касаба-тур — 2014»

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, велоспортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ҳамза туман кенгаши ҳамда Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш бўлими ҳамкорлигида таълим муассасаларида фаолият юритаётган ҳаваскор велоспортчилар ўртасида 204-умумтаълим мактабида «Касаба-тур — 2014» веломарафони ўтказилди.

Пойгада — таълим ходимлари

Веломарафонда туман кенгаши тасарруфидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан 72 нафар иштирокчи қатнашди. 20-35 ёшгача эркаклар ўртасидаги баҳсларда 151-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Абдурасул Назаров, аёллар ўртасида 166-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Олеся Федотова ғолиб чиқди.

35 ва ундан катта ёшдагилар орасида 170-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Олег Байков ҳамда 166-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Тамара Нозадзе биринчи ўринни қўлга киритди.

20-35 ёшгача эркаклардан 152-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Жандос Павлов, аёллардан 204-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Озода Туксариева, 35 ва ундан катта ёшдаги иштирокчилар орасида 151-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Улуғбек Султонов ҳамда 231-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Латофат Деҳқонбоева иккинчи бўлди.

20-35 ёшли эркаклар баҳсида 307-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фенруз Муҳаммаджонов ҳамда 204-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Елена Фелемонова шоҳсупанинг учинчи поғонасини банд этди.

35 ва ундан катта ёшдагилар баҳси бўйича 231-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Қўлдошали Эҳсонов ва 255-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилором Жўраева совриндорлар сафидан жой эгаллади.

***

Касаба уюшмалари тизимидаги «Касаба-тур — 2014» веломарафонининг навбатдаги босқичи туман, шаҳарларда кўтаринки кайфият ва уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган баҳсларда 50 га яқин биринчи босқич ғолиблари қатнашди. Мусобақа Гулистон шаҳар марказий ўйингоҳида ташкил этилди. Беллашувда 25-35 ёшдаги иштирокчилар ўртасида 13-умумтаълим мактаби вакили Самар Умиров, аёллар орасида хорижий тиллар лицейи қатнашчиси Д.Тунгусова маррани биринчи бўлиб забт этди. 35 ёшдан юқори ёшдаги иштирокчилар ўртасида 15-умумтаълим мактаби ходими Д.Абляев ғалаба қозонди.

(Давоми 4-саҳифада).

Темурийлар тарихи тадқиқи

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейида Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими ва Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда тарихчи олимлар, ёш тадқиқотчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбирда халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш борасида олиб борилаётган ишлар, бу жараёнда аниқланган қимматли манбалар, уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

— Темурийлар даврига оид муҳим ва қимматли манбалардан бири бу араб муаррихи Аҳмад ибн Арабшоҳнинг 1436-1437 йилларда ёзилган «Темур тарихи ажойиботлари» асаридир, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов. — Ушбу асарда бошқа манбалардан фарқли равишда Соҳибқироннинг сурати ва сийрати жуда чиройли ва аниқ тасвирланган. Унда Амир Темурнинг хизматлари, бунёдкорлик ишлари, олиму фузалолар билан суҳбати ҳақида ғоят қимматли маълумотлар келтирилган. Бугунги кунда ушбу асарни янада чуқурроқ ўрганиш ва бошқа манбалар билан солиштирган ҳолда тадқиқ қилиш олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Конференцияда темурийлар даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, илм-фан, маданият ва санъат ривожига қаратилган эътибор хусусида олим ва тадқиқотчиларнинг маърузалари тингланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Касаба уюшмалари — нодавлат секторда

Кейинги йилларда нодавлат тизимидаги корхона, муассасалар ходимларини аъзоликка жалб этиш касаба уюшмаларининг фаолиятига янгича тус бераётир. Косонсой туманининг Тагижар қишлоғида жойлашган «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги ҳам агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси сафига қўшилган жамоалардан биридир.

Тўкинлик ижодкорлари

Дарвоқе, хўжалик раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени, «Шуҳрат» медали соҳиби Ҳамидхон Муйдинхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус — 2010» кўрик-танловида қатнашиб, «Энг яхши фермер» сифатида эътироф этилган.

Хўжаликда ишчиларга яратилган шароит билан қизиқиб, Тагижар томон йўл олдик. Бизни фермер хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар Патиллаев кутиб олди.

— Чорвачилик ва деҳқончиликка, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган хўжалигимиз фаолиятини 1994 йилда 30 гектар ер, 28 бош қорамолга эга бўлган ҳолда бошлаган эди, — дейди у. — Ҳозирда ер майдонимиз 350 гектардан иборат бўлиб, ишчилар сони эса 320 нафарга етди. Хусусан, кейинги йилларда 68 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, кунига 500 килограмм гўштни қайта ишлаш қувватига эга технология келтириб ишга туширдик. Бундан ташқари, хўжалигимиз қошида пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этдик. Шу тариқа, туманимиз қишлоқларидаги замонавий уй-жойлар қурилишига ҳисса қўшмоқдамиз. Хўжалигимизда жамоа шартномаси имзоланган.

Меҳнат муҳофазаси масаласига ҳам бизда алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир мавсум учун ходимлар махсус иш ва оёқ кийимлар билан маъмурият ҳисобидан таъминланади.

Узоқдан қатновчи ишчиларимиз учун транспорт хизмати йўлга қўйилган. Хўжалигимизда бепул тушлик берилади.

Фермер хўжалигида ҳар байрамда маъмурият ҳисобидан байрам дастурхони ва маданий ҳордиқ онлари ташкил этилади. Мукофот пуллари тарқатилади. Мавсумий ишчиларга ҳам маошидан ташқари бир марта мукофот берилади.

Дарвоқе, буғдой ўрим-йиғими кўпчилик учун масъулиятли ҳамда қувончли палла. Бу вақтда режадан ортган ҳосилдан ходимларга 500 кг.дан 1,5-2 тоннагача улашилади.

2-саҳифа

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Миллий қадриятлар — бойлигимиз

Андижонда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Андижон вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика байналмилал маданият маркази, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоятдаги олий ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари талаба-ёшлари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом ҳаёт тарзини қарор топтириш, ёшларни Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий менталитетимизга, маънавий-ахлоқий қарашларимизга ёт турли хатарли таъсирлардан ҳимоя қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

— Бугунги шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврида ёшларни халқимизнинг эзгу анъана ва қадриятларига муносиб авлод этиб камолга етказиш долзарб вазифадир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими раиси И.Валиев. — Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида ўрнини эътиборга олиб, жойларда турли маданий-маърифий тадбирларни янада таъсирчан ўтказиш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Семинарда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва уларнинг бардавомлигини таъминлашда ёш авлод зиммасидаги бурч ва масъулият хусусида фикр алмашилди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Янгиликлар оқимидан

ЖИЗЗАХ

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги нашри бўлган «Jizzax haqiqati» ва «Джизакская правда» газеталари саҳифаларида «Касаба уюшмалари — инсон манфаатлари ҳимоясида» деб аталмиш «Ҳуқуқий маслаҳатхона» очилгани айни муддао бўлди.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Ҳозиргача ўнлаб муштарийларнинг меҳнат қонунчилиги юзасидан берган саволларига вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг юридик бўлими мудири Эркин Умурзоқовнинг жаволари эълон қилинди.

— Келгусида ҳудудий матбуот нашрлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш ниятидамиз, — дейди вилоят КУТБК раисининг ўринбосари А.Ихтиёров. — Шунингдек, касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бир қаторда, иш жараёни ёритилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Бундай манфаатли ҳамкорлик газетхонларга наф келтиришига шубҳа йўқ.

Ўз мухбиримиз

ФАРҒОНА

Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғини маркази кундан-кун ривожланиб бораётир. Турли маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари, савдо дўконларининг сони кўпайишида қишлоқ тадбиркорларининг ўрни беқиёс.

ҚАРАСАНГ, БОҒ...

Аҳмаджон Қурбонов бу ерда қурилиш материаллари бозори, тахта тилиш цехи, Машраб Шерқўзиев, Баҳром Йўлдошев, Вали Орипов каби тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан икки қаватли савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари фойдаланишга топширилди. Акмал Кенжабоев ва Илҳом Мадраҳимов эса эски, фойдаланилмай қаровсиз ётган бинолар ўрнида 2 та тўйхона қурмоқда.

— Тадбиркорларимиз томонидан ўтган йилда 20 дан ортиқ савдо дўкони, 3 та сартарошхона, 8 жойда тикувчилик шохобчаси, 4 та автомобилларни таъмирлаш устахонаси, 3 та ёғочга қайта ишлов бериш устахонаси ишга тушириллди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдумалик Юсупов. — Бугунги кунда бу ерда 25315 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ўтган йил ҳудудимизда 48 та оила намунавий лойиҳада қурилган уй-жойларнинг эгаси бўлди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарё вилоятида замонавий дизайн асосида мармардан ванналар ишлаб чиқариш мақсадида Қарши тумани ҳудудида бундан икки йил муқаддам фаолиятини бошлаган «Сантехникйиғмажиҳоз» масъулияти чекланган жамиятида ҳозирги пайтда Китоб мармари бўлакларидан 7 хил ўлчамдаги ярим овал, тўғри бурчакли полимер, мармар ванналар тайёрланмоқда.

ҲАМ БЕЖИРИМ, ҲАМ АРЗОН

— Цехимизда ҳар куни ўртача 6 дона ванна ишлаб чиқилмоқда, — дейди корхона раҳбари Умар Хидиров. — Полимерлар, хусусан, қолип ясаш учун ишлатиладиган шиша тола, қотирувчи воситалар, яроқлилик муддатини узайтиришга хизмат қиладиган гелкоут материали, аралашма ҳосил қилишда фойдаланиладиган мумсимон модда ва бошқа хом ашё воситалари Туркиядан келтирилаётир.

Ўзимизда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бежирим бўлиб, анча арзонлиги туфайли харидорларга манзур бўлмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ

Ishonch
2014-yil 8-aprel № 44 (3393)

Касаба уюшмалари — нодавлат секторда

Самарқанд вилоятида бундан уч йил илгари жамоат ташкилоти сафида бўлган корхона ва ташкилотларнинг 91,8 фоизида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, тўрт юз мингдан ортиқ киши манфаатлари ҳимояланган бўлса, айни чоғда бу кўрсаткич 98,5 фоизга етиб, 600 мингдан ортиқ меҳнаткаш қўшимча имтиёз ва кафолатлардан баҳраманд бўлаётир.

КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗ ТУФАЙЛИ

— Касаба уюшмалари тизимида ислоҳотлар узвийлиги таъминлангани боис ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш тубдан яхшиланди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими мудири Анвар Шерматов. — Эндиликда бошланғич касаба уюшма ташкилотини йўқлаб келувчилар сони анча ортди. Аввалари йил мобайнида ўртача 1,5 минг йўлланма ажратилса-да, дам олувчилар 1000-1200 кишидан ошмасди. Ҳозир эса сиҳатгоҳда саломатлигини мустаҳкамлаётганлар уч мингдан зиёд.

Касаба уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга бўлган эътибор боис юртни кўриш, билиш ва англашга шароит яратилди. Ўтган уч йилда 20 минг нафардан ортиқ самарқандликлар диёримизнинг мафтункор гўшалари билан танишди. Ўтган йил эса 11 581 нафар киши саёҳатда бўлди.

Табаррук онахон Муҳаббат Санақулова кўп йиллардан буён мусаффо табиат қучоғида дам олиш истагида юрарди. Касаба уюшмаларида жорий этилган имтиёз сабаб фарзанди Жаҳонгир Абдисаидов ишлайдиган корхона бошланғич касаба уюшма ташкилоти орқали онахоннинг орзуси амалга ошди.

— Жамоат ташкилотининг имтиёзли йўлланмаси билан «Чинобод» санаторийсида саломатлигимни мустаҳкамладим, мириқиб дам олдим, — дейди Муҳаббат Санақулова. — У ерда дам олувчилар учун яратилган шароитдан мамнун бўлдим.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасидаги маълумотга кўз югуртириб, Нарпай туманида ҳафтада икки-уч фермер хўжалигида бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилаётганига гувоҳ бўлдик. АСМ ходимлари туман кенгаши раиси Насиба Шарипова ҳудуддаги ташкилотлар билан муттасил алоқада. Етакчи қаерда бўлмасин, жамоат ташкилоти мақсад ва вазифалари, меҳнаткашлар учун яратилган имтиёзларни содда қилиб тушунтиришга интилади. «Авлиёқул» фермер хўжалиги раҳбари Фароғат Норбоева билан мулоқот тезда ўз мевасини берди.

Фермер хўжалиги кенгайтирилган йиғилишида бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузиш лозим деган қарорга келинди. Ёш, талабчан ходим Ғайрат Бобоев бошланғич ташкилот етакчилигига сайланди.

— Маблағ ҳам, имконият ҳам етарли, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Фароғат Норбоева. — Касаба уюшма ташкилоти бизга суянч бўлишини тушуниб етдик. Ўз хўжалигим аъзолари ва уларнинг оиласига ғамхўрлик қилиш бурчим. Эндиликда бу масалада менга беминнат кўмакчи пайдо бўлганидан мамнунман. Бир ёқадан бош чиқариб ишласак, жамоамиз аъзолари турмуши янада яхшиланади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам нодавлат секторга мансуб кўпгина ташкилот ва корхоналар ўз фаолиятини йўлга қўйиб, иқтисодиётимиз ривожланишига ўзининг салмоқли улушини қўшиб келмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ўтган йил якунлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 64 фоизни ташкил этди.

АЪЗОЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси томонидан соҳага кирувчи корхона ва ташкилотларда ходимларни аъзоликка жалб этишда қатор ишлар қилинмоқда. Нодавлат секторни касаба уюшмаларига жалб этиш, ходимларни аъзоликнинг афзаллик ва қулайликлари, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг кафолатларидан баҳраманд этиш борасида кенг тарғибот ишлари олиб борилаяпти. Натижада, ўтган йилда Қорақалпоғистонда 220 нодавлат секторига мансуб корхона ва ташкилот тармоқ касаба уюшмасига жалб этилиб, аъзолар сони 1648 нафарга кўпайди.

Касаба уюшмалари тизимидаги ислоҳотлар натижасида бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мавжуд масалаларни ижобий ҳал этишда ўз самарасини бераяпти.

Жорий йилнинг ўтган уч ойида Қорақалпоғистонда 68 нодавлат секторга мансуб корхона ва ташкилотда бошланғич касаба уюшма қўмиталари тузилди. Аъзолар 980 нафарга кўпайди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Урганчдаги «Кафолат технолог бунёдкор» МЧЖда ўн киши меҳнат қилади. Тадбиркор Шарофиддин Ибодуллаев ушбу корхонани ташкил қилганига кўп бўлгани йўқ. Жамоа ишлаб чиқараётган металлдан ясалган ойна, эшик, скамейка, ҳавоза, сейф ва бошқа маҳсулотлар анча харидоргир.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТДОР

— Ишчиларимни доим рағбатлантиришни хоҳлайман. Аммо, олдин буни қай тартибда амалга оширишни яхши билмасдим, — дейди тадбиркор Ш.Ибодуллаев. — Кунларнинг бирида корхонамизга Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши вакиллари ташриф буюрди-ю, масала ўз ечимини топди. Улар бизга касаба уюшмаларининг мақсад ва вазифасини тушунтиргач, жамоамиз билан аъзо бўлдик.

Ташкилотга Отабек Алланазаров етакчи қилиб сайланди. Шу кунларда маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида жамоа шартномаси имзоланиш арафасида.

Дарҳақиқат, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 4 сентябрдаги «Нодавлат сектори корхона, ташкилотларини касаба уюшмаларига жалб этиш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Урганч шаҳрида янги ташкил қилинган нодавлат корхона ва ташкилотларга ташриф буюриб, ходимлар билан мулоқотда бўляпмиз. Аъзолик афзалликларини тушунтиряпмиз, — дейди кенгаш раиси Ш.Бойжонов.

Изланишлар бесамар кетмаяпти. Оммавий ахборот воситалари орқали касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш йўлидаги чора-тадбирлардан бохабар бўлаётган жамоалар касаба уюшма сафида бўлиш истагини билдиришяпти. Натижада, ўтган давр мобайнида 17 корхона касаба уюшмаларига жалб қилинди.

Бу рақамларни вилоят миқёсида таҳлил қилсак, янада салмоқли натижаларни кўрамиз. АСМ ходимлари касаба уюшмалари шаҳар, туман кенгашлари томонидан ўтган йил 114 та нодавлат ташкилот касаба уюшмаларига жалб қилиниб, аъзолар сонининг 598 нафарга ўсишига эришилди. Жорий йил биринчи чорагида эса 116 та нодавлат ташкилот касаба уюшмасига тортилиб, аъзолар сафи 432 кишига кўпайди.

— Бу кичик корхона, унда бор-йўғи икки-уч киши ишлайди, ундан бизга нима наф демаяпмиз, мақсадимиз аъзолар манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган, — дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Б.Матмуродов. — Ҳар бир ходимнинг ҳуқуқлари кафолатланиши, меҳнати муносиб рағбатлантирилиши, иш ва дам олиш шароити бўлиши лозим. Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда нодавлат секторни касаба уюшмаларига жалб қилиш йўлидаги тадбирларимиз кенг кўламда давом этади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Навоий шаҳридаги «Шифобахш Навоий сут» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Ўн нафар маҳаллий ёш меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари сифатлилиги ва арзонлиги билан аҳолига манзур бўлаётир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ВА СИФАТИ ОШМОҚДА

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларининг самарали фаолият юритиши учун кенг имконият ва шароит яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июндаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлаётир. Ушбу йўналишда Навоий вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

— Аҳолига етти турдаги сифатли сут маҳсулотлари етказиб бермоқдамиз, — дейди жамият директори Нўъмон Ҳалимов. — 2013 йилда корхонамиз модернизация қилиниб, иш унумдорлигини сезиларли даражада оширишга эришдик. Банкдан олинган 20 минг доллар қийматидаги кредит ҳисобидан автоматлаштирилган замонавий сутни қайта ишлаш технологиясини ўрнатдик. Бу янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Кунига бир тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга кичик корхона жамоаси модернизация жараёнларидан сўнг янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирди. Масалан, йогурт ва айрон тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда пишлоқ ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Хусусий тадбиркорлик субъектлари, тижорат фирмалари, турли ташкилот ва муассасаларга сифатли маҳсулот етказиб бераётган корхонада янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: *ишчилар — Лола Аҳмедова Умида Ниёзова.*

Сирож АСЛОНОВ
(ЎзА) олган суратлар

Андижон шаҳрида фаолият юритаётган «Ривож» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси мустақилликнинг дастлабки йилида фаолият бошлаган.

ТАДБИРКОР БЎЛИШ ОСОНМИ...

— Корхонамиз истиқлол тенгдоши эканидан фахрланаман, — дейди фирма раҳбари Мамасоли Маллаев. — 4 дона тикув машинасида 4 нафар ишчи билан иш бошлаган эдик. Ҳозир маҳсулотларимиз тури кўпайиб, самарадорлик кескин ортди. Ҳозир хусусий фирмада 25 нафар ходим меҳнат қилади. Уларга талаб даражасида шарт-шароит яратилган. Бепул тушлик, махсус кийим-бош, ойлик маошнинг вақтида бериб борилиши иш ҳажмининг ортишига, унумдорликка хизмат қилмоқда. Жамоа шартномасининг бажариб борилиши касаба уюшма қўмитаси назоратида бўлиб, ишчилар мурожаати доим ижобий ҳал этилади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари орқали корхонадаги ҳар бир ходим манфаати ҳимояга олинган. «Жиззах Тоштепа текстил» МЧЖ шаклидаги корхонада ҳам 65 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида нодавлат секторга тегишли ўнта корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, 233 ходим манфаатлари қамраб олинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлашга 200 млрд. сўмдан зиёд касаба уюшма қўмитаси билан мунтазам алоқадамиз, — дейди тармоқ Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Одилжон Жалилов. — «Ривож»га ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Шу боис ёшлар бу ерда ишлашни орзу қилишади. Фирма раҳбари касб-ҳунар коллежларида ёшлар билан учрашувни канда қилмайди, уларга тадбиркорлик сирларини ўргатишдан чарчамайди.

Наврўз байрами муносабати билан Андижон транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган мулоқот чоғида «Устозшогирд» тизимида меҳнат қилишни истаган қизлар тикувчилик фирмасига ишга таклиф этилди.

Учрашувда коллежнинг тикувчилик йўналишида таълим олаётган қизларнинг «Замонавий либослар» намойишига ҳам кенг ўрин берилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

КЎЛАМИ КЕНГ ЮМУШЛАР

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Мамадали Қулбоев билан мухбиримизнинг суҳбатида нодавлат секторда касаба уюшмалари тузиш, улар билан ҳамкорлик борасидаги ишларга эътибор қаратилди.

— Ижтимоий шерикликни амалга ошириш ва уни такомиллаштириш, бошланғич ташкилотларга эътибор касаба уюшмалари диққат-эътиборида, — дейди М.Қулбоев, — Кейинги йилларда тармоқ ва ҳудудий даражадаги ҳамкорлик сезиларли мустаҳкамланиб бормоқда.

Тармоқда жамоа шартномавий муносабатлар ўтган йил аввалги йилдагига нисбатан икки фоизга ортиб, 94 фоизни ташкил этди. Жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш жорий этилиши билан улар сифатини ошириш, ижтимоий аҳамиятини кучайтириш имконини берди. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ҳар бир ходимга сарфланаган маблағ аввалги йилдагига нисбатан йигирма фоизга ортган.

Вилоятимизда сармоядорлар маблағи ҳисобига янгитдан барпо этилаётган корхоналардан бири «Жиззахкентекс» бўлиб, у ўтган йил декабрида фаолият бошлади. Лойиҳа қиймати 10,08 млн. АҚШ долларига тенг бўлган корхонада 300 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Йилига 8 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, калава ип ишлаб чиқараётган жамоа тайёр маҳсулотнинг асосий қисмини хорижга экспорт қилмоқда. Айни вақтда корхонада бошланғич касаба уюшмаси тузиб, ходимларни аъзоликка жалб этиш юзасидан маъмурият билан музокара ишлари олиб борилаяпти.

Жиззахдаги собиқ пайпоқ тўқув фабрикаси биноси негизида 47 млн. АҚШ доллари эвазига реконструкция, қурилиш-монтаж, жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, «Жиззахпластекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси фаолият бошлади. Кўп вақт ўтмай, жамоада Озод Холжўраев етакчилигида 745 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди. Эндиликда жамоа шартномаси орқали корхонадаги ҳар бир ходим манфаати ҳимояга олинган. «Жиззах Тоштепа текстил» МЧЖ шаклидаги корхонада ҳам 65 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди. Эндиликда жамоа шартномаси орқали корхонадаги ҳар бир ходим манфаати ҳимояга олинган. «Жиззах Тоштепа текстил» МЧЖ шаклидаги корхонада ҳам 65 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида нодавлат секторга тегишли ўнта корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, 233 ходим манфаатлари қамраб олинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлашга 200 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилгани нодавлат сектор фаолиятини янада ривожлантириш имкониятини яратаётир. Энг муҳими, хорижга арзон нархларда хом ашёни эмас, балки бирламчи ва иккиламчи тайёр маҳсулотларни жаҳон бозори қийматида экспорт қилиш ҳамда ёшларни кафолатланган иш ўрни билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Дарвоқе, вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси қошида ҳам бошланғич касаба уюшмаси тузилиб, 221 нафар ҳунарманд касаба уюшма хизматига олинди. Аҳамиятли жиҳати, нодавлат секторни касаба уюшмасига жалб этиш жараёни фақатгина вилоят марказида бўлиб қолмай, олис туманларда ҳам қувонарли натижаларга эришилаётир. Масалан, Зомин туманидаги «Мирза Ҳабибов Жавлонбек», Фориш туманидаги «Фортех» хусусий корхоналарида ҳам бошланғич касаба уюшмалари муваффақиятли иш олиб бормоқда. Уларга доимий равишда методик ва амалий кўмак бериб келаяпмиз.

Тармоқ Марказий кенгаш жадвали асосида вилоятимизда фаолият юритаётган енгил саноат таркибидаги йирик корхоналар тўлиғича касаба уюшма хизматига олинди.

«Ishonch» мухбири
Абдуманнон АЗИМОВ
суҳбатлашди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши томонидан ўтган йилда 78 та нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 1385 нафар ишчи-ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК

«Алрут Буилд» МЧЖ, «Нахшаб дарвозаси» деҳқон бозори МЧЖ, «Асл юксалиш» МЧЖ, «Жаҳон машҳур Висола» МЧЖ, «Қашқадарё Лада» МЧЖ, «Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ» ёдгорлик мажмуаси ва бошқалар шулар жумласидан.

— Касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган ҳар бир корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари тузилиб, қўмита фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди, — деди тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов. — Тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида 20 та нодавлат ташкилотнинг 173 нафар ходими касаба уюшма аъзолари сафига қўшилди. «Ҳунарманд» уюшмаси Қарши туман бўлими, «Орзу қувончи» МЧЖ, «Принс люкс» хусусий корхонаси бу борада бошқаларга намуна бўлишди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

2014 йил — Соғлом бола йили

Иштихон туманида сўнгги йилларда аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилди.

Жонингизга жон бўлай...

Ҳозирда тиббиёт бирлашмаси негизида 340 ўринли марказий шифохона, кўптармоқли поликлиника, 27 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд. Улар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Жумладан, туман тиббиёт бирлашмаси қабул ва диагностика бўлимининг рентген, электрокардиография, УТТ (ултра товушли ташхис), эндоскопия каби замонавий тиббий аппаратлар билан таъминлангани касалликни эрта аниқлаш ва даволашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ оилалар саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими янада такомиллаштирилди. Хусусан, ҳомиладор аёлларни перинатал скрининг текшируви билан қамраб олиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида манзилли ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, янги туғилган чақалоқлар ортопед, травматологлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар тезда диспансер назоратига олинмоқда ҳамда уларнинг тез ва сифатли даволаниши учун барча чоралар кўрилмоқда.

Баъзи ҳолларда чақалоқларда сон суягининг туғма чиқиши билан боғлиқ нуқсонлар кузатилади. Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, бу касаллик ҳар 1000 та боладан 16 тасида учраб туради. Тўғри муолажа олиб борилса, 3-4 ой ичида самарали натижага эришиш мумкин. Қолаверса, ҳомиладор аёлнинг мунтазам шифокор назоратида бўлиб, тавсияларга амал қилиб бориши ҳам боланинг бу ва бошқа нуқсонлар билан туғилишининг олдини олади.

Шу боис тиббиёт бирлашмамизда туғиш ёшидаги аёллар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилиб, хасталик аниқланган аёллар шифохона ва амбулаторияларда даволаниб, саломатликларини тиклашмоқда.

Айтиш жоизки, туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори У.Суванов бошчилигида соҳа ходимлари қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, оилада тиббий маданиятни ривожлантириш, репродуктив саломатлик масалалари, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, она ва бола саломатлиги борасида олиб бораётган тарғибот ишлари, амалий мулоқот ва учрашувлар айни муддао бўлмоқда. Натижада, оилаларда соғлом турмуш тарзи шаклланиб, хавфли, юқумли хасталикларнинг камайишига эришилмоқда. Айниқса, болалар ўртасида учраётган турли касалликларнинг олди олинаётир.

Туманимизда 34 мингга яқин оила истиқомат қилади. Мақсадимиз, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш баробарида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ҳамда миллат генофондини мустаҳкамлаш ва яхшилаш борасидаги хайрли саъй-ҳаракатга муносиб ҳисса қўшишдир.

Акромхон НАСИМОВ,
Врач-травматолог

Матбуот анжумани

Кадрлар масаласи: муаммо ва ечим

«Ўзархив» агентлиги «Архивларда ва идоравий архивларда кадрлар масаласи: муаммо ва ечимлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ва вилояти архив иши бошқармалари мутасадди ходимлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар.

Анжуманда соҳага оид мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топиш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар самарадорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида фикр юритилди.

Маълумотларга кўра, республикамизда 102 та давлат архиви бўлиб, ходимлар сони 1222 нафарни ташкил этади.

Архив муассасалари ҳамда архив иши ва иш юритиш йўналишида кадрлар тайёрлайдиган 28 та ўрта-махсус ва касб-ҳунар коллежлари, 3 та олий ўқув юрти — Ўзбекистон Миллий университети, Наманган давлат университети, Бухоро давлат университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, сўнгги йилларда соҳага ёш кадрларни жалб этиш бўйича кўрилаётган режали чоралар натижасида архивларда ёш кадрлар таркиби 2,5 баробар ўсди.

Соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида 2006 йилда Марказий давлат архивлари қошида «Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати» ҳамда «Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари» ўқув курслари ташкил этилган. Уларнинг базасида бугунги кунга қадар 3000 дан ортиқ архивлар ва ташкилотларнинг архивчи ва иш юритувчи ходимлари малакаси оширилди. Шуни айтиш керакки, «Ўзархив» агентлиги веб-сайти базасида масофавий ўқитиш тизими ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилмоқда.

Мавзу доирасида ушбу йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришга оид қатор таклифлар ўртага ташланди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари томонидан атрофлича жавоб берилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Пленум

«Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Унда сиёсий кенгаш аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳудудий партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Пленумда «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2013 йилдаги фаолияти ва 2014 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари тўғрисида»ги масала юзасидан партия Сиёсий кенгаши раиси Наримон Усмонов маъруза қилди.

Партия ўз сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, демократик ҳуқуқий давлат, кучли адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида фаол иштирок этишни мақсад қилиб олганлиги таъкидланди. Мустақиллик йиллари кенг кўламли ислоҳотлар даври бўлганлиги, «Ўзбек модели» сифатида тан олинган тараққиёт йўли ўзини тўлиқ оқлаётгани, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг амалиёти мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига олиб чиққанлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил партия олдида ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш ҳамда барча даражадаги вакиллик органларига сайловларда иштирок этишдек улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Бошланғич партия фаолиятини янада жонлантириш зарурлиги боис Сиёсий кенгашнинг ижроия қўмитаси 2014 йилни партия тизимида — Бошланғич партия ташкилотлари йили деб эълон қилди.

